

«УТВЕРЖДАЮ»

Председатель приемной комиссии,
начальник Департамента Финансового
и МТО Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан

А.А. Абиджанов

2022 года

ПРОТОКОЛ № 60

«08» 11 2022 года

г.Ташкент

Рассмотрение вопроса на услугу программного обеспечения в сфере информационных технологий (E-Voyaga yetmaganlar yagona axborot tizimini yратиш учун) для нужд Службы профилактики правонарушений МВД Республики Узбекистан МВД Республики Узбекистан

Согласно заключенного договора 10/2022 от 02.11.2022 года и протокола 161873 от 02.11.2022 года после обсуждения конкурсной комиссией было принято решение с учетом лучшего ценового предложения объявить победителем **ГУП AXBOROT TECHNOLOGIYALARI VA AXBOROT RESURLARINI RIVOJLANTIRISH MARKAZI** на общую сумму **419 999 999,00** (четырееста девятнадцать миллионов девятьсот девяносто девять тысяч девятьсот девяносто девять) сум на услугу программного обеспечения в сфере информационных технологий (E-Voyaga yetmaganlar yagona axborot tizimini yратиш учун) для нужд Службы профилактики правонарушений МВД Республики Узбекистан МВД Республики Узбекистан, обсудив указанные вопросы,

ПРИНЯТОЕ РЕШЕНИЕ:

1. С учетом лучшего ценового предложения, объявить победителем конкурсных торгов на услугу программного обеспечения в сфере информационных технологий (E-Voyaga yetmaganlar yagona axborot tizimini yратиш учун) для нужд Службы профилактики правонарушений МВД Республики Узбекистан МВД Республики Узбекистан **ГУП AXBOROT TECHNOLOGIYALARI VA AXBOROT RESURLARINI RIVOJLANTIRISH MARKAZI** (все «за» - единогласно);
2. Заключенный договор направить на регистрацию в Казначейство Министерства Финансов Республики Узбекистан (все «за» - единогласно)

Подписи членов приемной комиссии:

Члены комиссии:

Начальник ХОЗУ МВД Республики Узбекистан

Ш.О.Азим

Оперуполномоченный ГУСБ
МВД Республики Узбекистан

С.С.Мухамеджанов

Зам. Начальника ФЭУ МВД Республики Узбекистан

Ш.Ш. Курбонов

Начальник отдела внутреннего аудита и аналитики
ДФиМТО МВД Республики Узбекистан

М.Е. Утебаев

Секретарь комиссии:
Старший инспектор ОС ХОЗУ МВД РУ

А.С. Лисин

Шартнома

10/2022-сон

2022 йил 08-11

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти номидан Низом асосида фаолият юритувчи департамент бошлиғи А.А. Абиджанов (кейинги ўринларда – **Буюртмачи**) бир тарафдан ва «Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази» ДУК номидан устав асосида иш юритувчи директор Н.З. Далибаев (кейинги ўринларда – **Ишлаб чиқувчи**) иккинчи тарафдан, кейинги ўринларда биргаликда **Тарафлар**, мазкур Шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1 Ишлаб чиқувчи <https://etender.uzex.uz/lot/161873> лотда келтирилган техник топширик талабларига мувофиқ равишда **Буюртмачининг** “E-Voyaga yetmaganlar” ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) ишлаб чиқади ва ишининг натижасини Буюртмачига топшириш, Буюртмачи эса иш натижасини Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзига хослик Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишлар, нарх, умумий харажатлар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми 1-иловада спецификацияда кўрсатилган.

1.2 Ишлаб чиқувчи ушбу Шартномага мувофиқ ишлаб чиқилган ва топширилган Ахборот тизимига кафолат муддати давомида текин, кафолат муддати тугаганидан кейин эса Шартнома асосида техник ва хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Ахборот тизим ва мустақил аҳамиятга эга бўлган бошқа компонентлар учун кафолат муддати бир календар йили этиб белгиланади.

1.3 Ишлаб чиқувчи ушбу Шартнома бўйича ўзи томонидан яратилган Ахборот тизимига эгалик ҳуқуқини 2.3-бандда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай Буюртмачига ўтказиш мажбуриятини олади.

2. Етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби

2.1 Ахборот тизими версиясини Буюртмачининг сервер ускунасига ўрнатиш орқали етказиб берилади.

2.2 Ахборот тизимини етказиб бериш санаси топшириш ва/ёки ишларни бажаришни қабул қилиш тўғрисидаги далолатноманинг санаси ҳисобланади.

2.3 Етказиб бериш муддати, ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида.

3. Шартноманинг баҳоси ва иш учун ҳақ тўлаш тартиби

3.1 Шартнома бўйича ишнинг умумий қиймати ҚҚС (кўшилган қиймат солиғи) билан **419 999 999** (тўрт юз ўн тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил этади.

3.2 Буюртмачи мазкур Шартнома умумий қийматининг 15 фоизини бўнак сифатида ҚҚС билан **62 999 999.85** (олтмиш икки миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз сўм саксон беш)тийин миқдорда Шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида тўлайди.

3.3 Шартнома баҳосининг қолган 85 фоиз қисми ишнинг натижаси қабул қилиб олинганидан сўнг (ҳисоб варақ-фактура ва қабул қилиш далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб) 5 (беш) иш куни давомида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бажарилаётган ишлар тўғрисида техник топшириқ талабларига мувофиқ тўлиқ маълумот олиш;

Техник топшириқ талабларига мувофиқ ишнинг натижаси юзасидан мавжуд эътирозлар асослантирилган ҳолатда ишни бажариш жараёнида ёки Ишлаб чиқувчи томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномасини расмийлаштирилиши учун киритган кундан 3 (уч) иш куни ичида тақдим қилиш.

4.2. Ишлаб чиқувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз ишини мустақил равишда ташкил этиш ва уни бошқариш, иш шакллари ва усулларини, алоҳида жараёнлар кетма-кетлигини аниқлаш ҳамда Буюртмачини доимий равишда хабардор қилиш;

Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маълумотни Буюртмачидан талаб қилиш (маълумотнинг зарурлик даражасини Буюртмачи белгилайди);

Мазкур Шартноманинг **4.2.**-банди бўйича талаб этилган маълумот тақдим этилмаган ёки тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри тақдим этилган тақдирда ўз мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилинган маълумот тақдим қилингунга қадар тўхтатиб туриш;

Буюртмачи томонидан ишлар ўз вақтида бажарилган ҳолда белгиланган вақтда навбатдаги тўловлар амалга оширилмаган тақдирда, ишларни тўхтатиб туриш.

Буюртмачи томонидан мазкур Шартноманинг 3.2.-бандига асосан бўнак тўлови амалга оширилмаган тақдирда ишларни тўхтатиб туриш.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Шартнома имзоланган кундан эътиборан Ахборот тизимни техник топшириғида кўзда тутилган ташқи ва ички ахборот тизимлар билан интеграция

қилиш ишларини амалга ошириш учун API маълумотларини 3 (уч) иш куни ичида тақдим этиш.

Шартнома имзоланган кундан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида Ахборот тизимига жойлаштириш учун зарур бўлган барча матн ва график маълумотларни тақдим этиш;

Ишларни Шартномада назарда тутилган муддатдан олдин бажарган тақдирда, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишнинг ҳақини тўлаш;

Ишлаб чиқувчига ушбу Шартнома бўйича ишларнинг тўловини Шартномада назарда тутилган талаблар бажарилганда ўз вақтида амалга ошириш;

Ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилгандан Ахборот тизим дизайнини 3 (уч) иш кунида келишиш ёки келишмаган тақдирда тегишли таклифлар тақдим этиш. Агар 3 (уч) иш куни давомида Ахборот тизими дизайни келишилмаса Ахборот тизими дизайни шу дизайн асосида амалга оширилади;

Ишлаб чиқувчи томонидан тақдим қилинган «бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома»ни <https://etender.uzex.uz/lot/161873> лотда келтирилган техник топшириқ талаблари бўйича ишлар юзасидан асослантирилган эътирозлар бўлмаган тақдирда 3 (уч) иш куни ичида расмийлаштириш ва Ишлаб чиқувчига тақдим қилиш.

4.4 Ишлаб чиқувчининг мажбуриятлари:

Буюртмачига мазкур Шартнома предмети доирасида бажарилаётган ишлар тўғрисида Буюртмачининг сўровига мувофиқ келадиган маълумот бериш;

Техник топшириққа мувофиқ ишларни бажариш;

Қонун устуворлиги, холислик, мустақиллик ва махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини юқори профессионал даражада амалга ошириш;

Буюртмачи томонидан маълумотларни тақдим этиш, уларни келишиш кечиктирилган тақдирда ишларни бажаришни тўхтатиб туриш;

Буюртмачи томонидан Ахборот тизими дизайни тақдим этилгандан сўнг 3 (уч) иш кунида келишилмаган ёки тегишли таклифлар тақдим этилмаган тақдирда дизайн ишларни бажаришни тўхтатиб туриш;

Шартнома доирасида Буюртмачи томонидан тақдим этилган хатоликларни (семантик, грамматик ва имло, бузилган гиперҳаволалар ва расмларни юкламаслик ва бошқалар) тузатиш;

Ишлаб чиқувчи Буюртмачи билан имзолаган Шартнома шартларини бажариш жараёнида олинган махфий маълумотларни учинчи шахсларга тарқатмаслик ёки улардан турли мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини олади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Шартномада назарда тутилган ишларни бажармаганлик учун Ишлаб чиқувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилган иш баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ишлаб чиқувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6. Коррупцияга қарши шартлар

6.1. Тарафлар, мазкур Шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб ўзлари вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остида ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажақда, ушбу Шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёزلарни таклиф, талаб қилмасликларини, шунингдек, қабул қилмасликларини кафолатлайдилар.

6.2. Тарафлар ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйида келтирилган қоидаларга риоя қилишлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

6.3. Тарафлар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйидаги ҳаракатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали ҳеч қандай шаклда амалга оширмасликни ўз зиммаларига оладилар:

порахўрлик-тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида Тарафларнинг вакиллари ёки бошқа шахслар томонидан қонунга ҳилоф равишда мулкий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш рад этилган тақдирда таҳдид билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган пора талаби;

ваколатларни суиистеъмол қилиш – тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатиши;

коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириш ёки мулкка эгаллик қилишини яшириш агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса.

6.4 Ушбу Шартнома Тарафлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни Ўзбекистон Республика Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча тақиқлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.5. Коррупцияга оид ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли тарафни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши, ташкилотда ишбилармонлик этикаси қоидаларига риоя қилиш, коррупцияга муросасизликни тарғиб қилиши шарт.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Агар Шартноманинг бажарилмаслиги қуйидаги ҳолатларнинг натижаси бўлса Тарафларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслик ҳолатларидаги жавобгарликни ўз зиммасига олмайди: сув босиш, ёнғин, ер кимираш ва бошқа табиий офатлар шунингдек, уруш, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, Шартнома тузилгандан кейин Тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Бунда, ушбу Шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига мос равишда кейинга сурилади.

Юқоридаги ҳолатлар юзага келганда Тарафлар бир-бирини ёзма равишда дарҳол огоҳлантириши шарт.

8. Махфийлик

8.1 Тарафлар ушбу Шартномани амалга ошириш жараёнида бир-биридан олинган махфий ҳужжатлар, маълумотлар ва ахборотларни ошкор қилмаслик ёки бошқа шаклда тарқатмаслик мажбуриятини оладилар.

8.2 Махфий маълумотлар ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳам, бир йил ичида бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор этилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

8.3 Тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу Шартномани бажариш жараёнида Тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ҳисобланади, Тарафлар иштирокисиз эълон қилинган ёки эълон қилинадиган маълумотлар бундан мустасно, расмий манбаларда бошқа ҳар қандай шаклда тарқатилган ёки учинчи шахслар иштирокисиз маълум бўлган ёки маълум бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш

9.1. Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.2. Ушбу Шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар Тарафлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади. Тарафлар келиша олмаган тақдирда, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иқтисодий судда ҳал қилинади.

9.3. Бажарилган иш учун қафолат муддати бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ой муддатгача амал қилади.

10. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ҳамда Шартномани бекор қилиш Тарафларнинг келишувига биноан ёзма тартибда амалга оширилади.


10.2. Ушбу Шартнома Тарафлар имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31-декабргача амал қилади.

10.3. Ишлаб чиқувчи мазкур Шартноманинг 3.2.-бандига асосан бўнак тўлови амалга оширилган кундан бошлаб Ахборот тизимини ишлаб чиқишни бошлайди.

10.4. Мазкур Шартнома Тарафлар учун тенг юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада тузилди.

11. Тарафларнинг реквизитлари:



Буюртмачи



Ишлаб чиқувчи

«Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонаси

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30
Телефон: 55-501-43-00
х/р: 2021 0000 6051 5384 3002
МФО: 00401
СТИР: 306 901 947
ИФУТ: 62090




**“E-Voyaga yetmaganlar” ягона ахборот тизимини (Ахборот тизим)
ишлаб чиқиш босқичлари**

Т/р	Босқичлар	Муддати (ши кун)	Хизмат нархи (сўм)
1	Ахборот тизим архитектурасини ишлаб чиқиш	20	40 000 000
2	Ахборот тизими дизайнини ишлаб чиқиш		35 000 000
3	Дастурлаш ишларини олиб бориш (“backend” ва “frontend” қисми)		170 000 000
4	Ахборот тизимни тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш		30 000 000
5	Ахборот тизимни Буюртмачи серверига жойлаштириш		30 000 000
6	Ахборот тизимни синов тариқасида ишга тушириш ва синов жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш		30 000 000
7	Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича роллар кесимида ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш		24 999 999
8	Буюртмачи масъул мутахассисларини Ахборот тизимда ишлашга ўргатиш		30 000 000
9	Ахборот тизимини ишга тушириш ва жорий этиш		30 000 000
10	Техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш		1 йил давомида бепул тарзда амалга оширилади
ЖАМИ:			419 999 999

Буюртмачи



Ишлаб чикувчи

**«Ахборот технологиялари ва ахборот
ресурсларини ривожлантириш маркази»
давлат унитар корхонаси**

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30
Телефон: 55-501-43-00
х/р: 2021 0000 6051 5384 3002
МФО: 00401
СТИР: 306 901 947
ИФУТ: 62090


Директор  Н.З. Далибаев